O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 5 - avgust 410-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиб, 184,1 гектар ер майдонини Зомин тумани ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ ва қисман қайтариш ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 29 июлдаги 01/019-1252-сонли, Зомин тумани ҳокимининг 2022 йил 3 июндаги 01-388-сонли хатлари ҳамда 5 нафар қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг розилик аризаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 29 июлдаги 01/019-1252-сонли, Зомин тумани ҳокимининг 2022 йил 3 июлдаги 01-388-сонли хатлари ҳамда 5 нафар қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг ўз розилик аризалари инобатга олинсин.

2. Зомин тумани ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида ер майдонлари қайтарилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рўйхати **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонларини давлат мулки сифатида давлат

рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Зомин тумани ҳокимлиги **(А.Абдуғаниев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

5. Зомин туман ҳокимлиги **(А.Абдуғаниев) уч кун ичида** 184,1 гектар ер майдонларининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли 5 нафар қишлоқ хўжалиги корхона раҳбарларини огоҳлантирсин.

6. Зомин тумани ҳокимлиги **(А.Абдуғаниев)**га иловада кўрсатилган ўз розилик аризалари билан ер майдонларини тўлиқ ва қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиш ҳамда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари Зомин тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

8. Иловада кўрсатилган қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ва ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Зомин тумани ҳокими **(А.Абдуғаниев)** зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 5 avgustdagi
410-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Жиззах вилояти Зомин туманидаги ер майдони тўлиқ ва қисман олинаётган ишлаб чиқариш субъект (фермер ва бошқа якилдиқ тўғалиги корхона)лари
РЎЙХАТИ

№	Тулиқ ва фермер хамда бошқа якилдиқ тўғалиги корхоналарнинг номи	Раҳбари Ф.И.Ш	Якилиқ шакли	Ер майдони жойлашган массив номи	Кадастр рақами	Жами ер майдони, га	Шу жумладан:										Олинаётган ер майдони тўғрисида маълумот		Шу жумладан:							Якилиқ хамкорлигида рўйхатга олинган ишларни ва олинаётган ер майдони ролганлиги ҳақида қарорнинг номи ва санаси
							ҳайдов	пичан	дон	ғўза	сабзавот	мевали	узумзор	ёнғоқзор	бошқа ерлар	Кадастр рақами	Умумий ер майдони, га	Ажратиб олинаётган майдони, га	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига тўланган маблағ, сўм	Кадастр рақами	ҳайдов	пичан	дон	ғўза	сабзавот	мевали	узумзор	ёнғоқзор	бошқа ерлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29
	Зомин тумани																											
1	"KASM-JASUR NAME" ф/х	Ҳ.Мавлонов (мирза ва Ф.Мавлонов)	Ғалаҳчилик	Шарқи-СШУ, Ачча СШУ	1511, 513, 514, 550, 1034, 1035, 1036, 1511, 1034	138,5		110,5								28; 512; 513; 515	66,9	66,9	70,0	434, 439, 440, 451, 452		70,0									04.06.2022 № 6509-sd
2	"MAKQAMOV-BOBO" ф/х	М.Маркабоев	Ғалаҳчилик	Шарқи СШУ	515/1	70,6		65,6								515/1	39,6	65,6												04.06.2022 № 6509-sd
3	"AHMADJANOV MOHLAYOT" ф/х	Н.Парпиев	Ғалаҳчилик	Шарқи СШУ	517, 518, 559	56,6		50,2		3,0					6,2	517к, 518, 559	50,0	50,0	6,4	517к		4,5		3,0						6,2	04.06.2022 № 6509-sd
4	"PIRAGOR TOKTAGUL PIRA" ф/х	Б.Қаримбоев	Ғалаҳчилик	Мингтут СШУ	1050к, 1050к, 1052к, 1052к, 1053к	80,00		80,0								1050к, 1052к	50,0	50,0	50,0	1049к, 1050к, 1050к		50,0									04.06.2022 № 6509-sd
5	"ABDULLAYEV MAHALTDLL" ф/х	Х.Абдуллаев	Ғалаҳчилик	Мингтут СШУ	1516к, 1560к, 1561к, 1171, 1176к, 1177к	70,0		70,0								1560к, 1561к	5,0	5,0	69,0	1165к, 1171, 1176к, 1177к		65,0									04.06.2022 № 6509-sd
5	**Жами: 5 (беш) та**					**374,5**		**374,5**		**3,0**					**6,2**		**166,5**	**186,2**	**196,2**			**69,5**		**3,0**						**6,2**	